

## **АЁЛЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБ ВА ШАРОИТЛАРИ**

*Қодирқулов Асадбек Фахриддин ўғли*

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ*

*Академияси 311 гуруҳ курсанти*

*Аннотация.* Ушбу мақола аёллар ўртасидаги жиноятчиликнинг сабаб ва шароитларини ўрганиш, тахлили қилиш, олдини олиш ва ушбу борадаги фаолиятни такомиллаштиришга доир масалалар тахлил қилинган, ички ишлар органларининг аёллар жиноятчилигини олдини олиш фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

*Annotation.* The article analyzes the issues of studying the causes and conditions of crime among women, analyzes, prevents and improves the work in this area, develops proposals and recommendation for improving the prevention of women's crime in law enforcement agencies.

*Калим сўзлар:* жиноятчилик, аёллар жиноятчилиги, сабаб ва шароитлар, тарғибот-ташвиқот, тенденция.

*Key words:* жиноятчилик, аёллар жиноятчилиги, сабаб ва шароитлар, тарғибот-ташвиқот, тенденция.

Аёл — жамиятимиз гултожи, оиламиз фариштаси. У гўзаллик, нафосат ва садоқат рамзи. Жонидан жон бериб фарзандни дунёга келтирган, унинг бир табассуми учун ҳаловатидан кечадиган меҳрибон ва мушфиқ она у. Меҳроқибатлилик, фидойилик, ҳалоллик каби фазилатларни сингдиради у бизнинг шууримизга. Аммо, минг афсуски, бундай юксак рутбага барча аёлларимиз бирдай муносиб бўлишмаяпти.

Аввало шуни алоҳида таъкидлаб ўтишни истардимки, инсон ҳеч қачон ўз-ўзидан ҳуқуқбузар ёки жиноятчи бўлиб қолмайди. Бунга унинг ёшлигидан олган тарбияси, оилавий ва ташқи муҳит, муносабат ўрнатган кишиларининг қарашлари ва жамиятда тутган ўринлари ҳам таъсир кўрсатади. Энг ачинарлиси, баъзида ўз ҳуқуқларини яхши билмасликдан жиноятга қўл урадиганлар ҳам бор.

Шукрки, юртимиз тинч, ҳаётимиз фаровон. Меҳнат қилган одам элда азиз бўлиб, турмуш даражаси ҳам юксалиб бораверади. Халқимиз аёлни келажак яратувчиларининг тарбиячиси, меҳрибон она, садоқатли умр йўлдоши ва жамиятда ўз мавқеига эга фаол инсон сифатида ҳурмат қилади ва эъзозлайди. Лекин баъзи аёлларнинг ўз шаънига номуносиб тарзда жиноятга қўл ураётганлиги ачинарли бўлса ҳам, аччиқ ҳақиқатдир.

Оила – рўзғор муҳитида қишлоқ аёллари шахсга қарши жиноятлар ва ўғрилиқлар ҳам содир этади, аммо бундай жиноятлар жамоатчилик томонидан шаҳардагига нисбатан анча қаттиқ қораланади. Бунинг устига, қишлоқда жиноят содир этган ва озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган аёллар озодликка чиққанидан кейин кўпинча уйга қайтиб келмайди, балки бошқа жойларда, асосан шаҳарларда қолади. Бу ўзига хос қонуниятда ҳам ўзига хос мезонларига эга бўлган қишлоқ микромуҳитининг маълум хусусияти кўзга ташланади, зотан, мазкур мезонлар, юқоридаги тоифага мансуб аёллар ўзининг аввалги яшаш жўёйига қайтиб келишига соф психологик тўсиқ бўлиб хизмат қилади, чунки яшаш жўйидаги мустаҳкам ижтимоий – фойдали алоқалар озодликдан маҳрум қилиш тариқасида ўталган жазонинг муддати билан бевосита боғлиқдир. Бундй шароитда орттириладиган салбий кўникмалар ва хулқ – атвор принциплари эса, аёллар тушунчасида ,озодликдаги аввалги турмуш тарзига мос келмайди. Бундай аёллар шахсини ўрганиш улар одатда ўзганинг мулкани ўғирлаш ва фирибгарликка ихтисослашганлигини кўрсатди.Кўпгина ҳолларда аёллар жиноий фаолият билан шуғулланишда анча катта тажрибага эгадирлар. Бундай жиноий фаолиятнинг тузилишида жадаллиги анча катта

бўлган тажрибага эгадирлар. Бундай жиноий фаолиятнинг тузилишида жадаллиги анча катта бўлган махсус рецидив етакчилик қилади. Аёллар ўз жиноятларини транспортда, йирик шаҳарларда, вокзалларда ва аэропортларда содир этади. Шунингдек, уларнинг орасида бундай «гастроллар» га чиқувчи қишлоқ аёллари ҳам оз эмас. Бунда улар ўзлари муқим яшайдиган жойда қонунга риоя қилиб ҳаёт кечирадilar. Амалиёт бу профессионал ҳуқуқбузар аёлларшахсининг энг беқарор ғайриижтимоий типи эканлигини кўрсатади.

Мигрант ҳуқуқбузар аёллар орасида ўзининг доимий яшаш жойини у ёки бу сабабга кўра тарк этишга мажбур бўлган вояга етмаган шахслар ҳам мавжуд. Бундай қизларнинг ўз уйларини ташлаб кетишига ота – оналари билан келишмовчиликлар, шунингдек, ирсий ва орттирилган омиллар билан изоҳланувчи психик ривожланишдаги оғишлар, аномалиялар сабаб бўлган. Кўпинча бундай шахсларни жиноятга катталар жалб этади. Улар ҳар хил йўналишдаги жиноий гуруҳлар фаолдиятида вояга етмаган қизлардан фойдаланади, уларни фоҳишалик билан шуғулланишга мажбур қилади

Бир гуруҳ шахс бўлиб содир этилган жиноятлар тузилишида аёллар ўртасида жиноятнингнинг салмоғи мазкур жиноятнингҳолатини таърифловчи асосий кўрсаткичлардан биридир. Аёллар томонидан бир гуруҳ шахс бўлиб содир этилган жиноятларни махсус ўрганиш улар жавобгарликка тортилган аёллар умумий сонининг 26 % ни ташкил этишини кўрсатди.

Асосий қонунимизда оилавий муносабатларга алоҳида боб бағишланган ва оиланинг ижтимоий мақоми унда аниқ белгилаб қўйилган. Уларда оила, оналик ва болалик жамият ва давлат муҳофазасида бўлиши кафолатлангани, ота – оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга, вояга етган, меҳнатга лаёқатли, фарзандлар эса ўз ота – оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбур эканликлари белгилангани - мамлакатимизда оила қонунчилиги халқимизнинг тарихий тажрибасига таянган ҳолда яратилганидан далолатдир.

Конституциямиз асосида қабул қилинган Оила кодексидабиринчи

марта никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш, оилавий муносабатларда миллий урф – одатларнинг қўлланилиши, қон – қориндошлик, болаларнинг насл – насабини белгилаш, алимент тўлаш тўғрисидаги мажбуриятлар, ота – она қаромоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш каби бир қанча муҳим қоидалар ўз ифодасини топган. Шу маънода, мустақиллик йиллари мамлакатимизда аёлларга эътибор сезиларли даражада ошди. Хотин – қизларимиз жамиятда кечаётган маънавий – маърифий, ижтимоий – иқтисодий ва сиёсий ислохотларнинг фаол иштирокчисига айланди. Уларни ҳар томонлама қўллаб – қувватлашга қаратилган бир қанча чора – тадбирлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, умумий жиноятда аёллар содир этадиган жинойий хатти-ҳаракатлар эркаклар томонидан содир содир этиладиган жиноятлардан фарқ қилади. Шу боис аёллар жиноятининг табиати ва оқибати, содир этиш усули ва жиноят қуролини маълум бир вазиятларда қўлланиши, жиноят содир этилишида иштирок этишдаги ўрни, жиноят қурбонини танлаш, маиший турмуш шароити кабиларга алоҳидаэътибор қаратилади. Олимларнинг фикрича, аёлларнинг ҳуқуқбузарлигининг сабаблари ва содир этилишига имкон берадиган шарт – шароитларни криминологик жиҳатдан ўрганиш ҳамда ушбу жиноятларнинг профилактикасини самарали ташкил этиш аёллар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг гаровидир. Аёллар ўртасида жиноятнинг рўй бераётган ўзгаришлар эркаклар ҳуқуқбузарлиги билан параллел ҳолда бормайди, нисбатан мустақил ҳолда ривожланади. Аммо жиноят бир бутун ҳолда ўзини ташкил этувчи қисмларга таъсир кўрсатади. Бу таъсир қарама – қарши алоқани вужудга келтиради. Яъни аёллар ўртасида жиноятларда рўй берган ўзгаришлар умуман жиноятлар ва унинг тузилишида ҳам ўзгаришлар рўй беришига олиб келади.

Хулоса ўрнида шунини айтиш лозимки, аёлнинг нозик қўлларига кишан эмас, гул, қалбига ёвузлик эмас, эзгулик ярашади. У жамиятимизнинг кўрки бўлмоғи лозим. Унинг тилларидан пушаймонлик, афсус ноласи эмас, аллалар

учсин, бахтдан, толедан куйласин. Бунинг учун эса аёллар қонунбузарлигининг олдини олиш фақат ҳуқуқ-тартибот идоралари ёки тегишли ташкилотларнинггина эмас, ҳаммамизнинг вазифамизга айланиши лозим.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Т.01.05.2023й.
2. “Ички Ишлар Органлари тўғрисида” ги 2016 йил 16 сентябрдаги 407 сонли ЎРҚ
3. “Хуқуқбузарлик профиликтикаси тўғрисида”ги 2014 йил 14 майдаги 371 сонли ЎРҚ
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Хуқуқбузурликлар прфилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 2833 сонли қарори.
5. Абдурасулова Қ.Р “Аёллар жиноятчилигининг жинойий ҳуқуқий ва криминалогик муаммолари” Т.2005 й.
6. [http:// lex.uz](http://lex.uz) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси).